Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 177 (6.966) 1989 йил 4 август, жума Баҳоси 3 тийин

«Оқшом»га хатлар

АСАБНИ ҚЎЙИНГ, ПУЛНИ ЧЎЗИНГ

Шундай қилиб денг, ҳурматли йўловчилар, шаҳардаги автобус маршрутлари ёппасига ижара пудратига ўтиб олишди. Янгиликнинг садағаси кетсанг арзийди. Энг муҳими, бунда ҳеч қандай қийинчилик сезилмади. Автопарклларнинг раҳбарлари биттадан буйруқ чиқаришди — тамом-вассалом. Баракалла азаматлар, космос асрида шундай бўлиш керак-да! Имиллашлик — турғунлик даврига хос иллат. Тезкорлик — қайта қуриш шиори.

Бўлмаса, мақсадга кўчайлик. Сир эмас, муҳтарам йўловчилар, ҳар қандай янгилик ўз-ўзидан ҳаётга сингиб кетавермайди. Шу жумладан, ижара пудрати ҳам. Баъзан ноқулайликлар туғдиради, дилхираликларга дуч келасиз, бехосдан асабингиз бузилади. Бироқ ҳаммасига чидашингизга, бардошли бўлишингизга тўғри келади. Акс ҳолда янгиликнинг йўлига ғов бўласиз.

Айтайлик, ижарачи автобусга чиқдингиз. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳайдовчининг ўнг томонида тепага ёзиб қўйилган шундай ёзувга кўзингиз тушади: «Хушмуомалаликни талаб қилишдан аввал ўзингиз хушмуомала бўлинг!». Хўш, бу билан кимга шаъма қилиняпти? Албатта, сиз йўловчига-да! Ўзўзидан маълумки, автопарклларда «дунёга келган» бу ибора ҳайдовчиларни ҳимоя қилиш учун кафолат белгиси. Бордн-ю, сал қаттиқроқ овоз чиқарсангиз, ҳайдовчи бармоғини бигиз қилиб кўрсатади. Шунда оғзингизга толқон солгандек жим бўлганингиз маъқул. Агар жим бўлмасангиз ўзингиздан кўринг: асабингиз бузилиб, соғлиғингизни йўқотасиз.

Шунинг учун бизнинг сизга маслаҳатимиз:

— Тиқилинч пайтда кимдир туртиб юборса ҳам;

— бирорта барзанги оёғингизни босиб олса ҳам;

— ифлос салонни чанг қопласа ҳам;

— орқа эшик очилмай, тушадиган бекатингиздан ўтиб кетсангиз ҳам;

— ҳайдовчи баҳоси ёзилмаган беш тийинлик билетни ўн тийиндан сотса ҳам;

— умуман билет бермаса ҳам;

— бекатларни эълон қилмаса ҳам;

— саволингизга жавоб бермаса ҳам, асло чурқ этманг.

Чунки, фойдасиз.

Шундай, биродарлар! Ижара деганда, ҳеч ўз асабингизни ўйлаб шахсиятпараст бўлманг. Агар истасангиз, эрталаб ишга боришда ёки кечроқ ишдан қайтишда битта тинчлантирувчи таблетка ичиб олишни одат қилинг: асабингизни жиловлашга ёрдам беради. Ёрдам бермаса, нима кўп — шифохона кўп, ҳа, бир ой-ярим ой ётиб чиқсангиз, осмон узилиб ерга тушармиди!

Хуллас, автобусда юрганда асабни ўйламай, пулни чўзавериг.

Шаҳар автомобиль транспортидаги ҳақиқий манзаранн сиичковлик билан кузатган «тажрибали» йўловчи

И. НОРМАТОВ,

СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕҲМОН»ЛАР

Мен Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли, «Сергели-2» массивида жойлашган 21-ётоқхонада истиқомат қиламан. Ётоқхонадаги яшаш учун яратилган шароит ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, чунки корхона раҳбарлари учун бу янгилик эмас, «эски тос, эски ҳаммом».

Бизнинг ётоқхонада 400 киши яшаши керак. Албатта, комбинатнинг ёш ишчилари. Ётоқхона узоқроққа жойлашганлиги учун айримлар ижарада туришади. Аммо ётоқхона бўш қолаётгани йўқ. Яшашга жой топа олмаганлар уларнинг ўрнида маза қилиб яшашяпти. Оппоқ кўрпа-ёстиқ, шинам хона истаганча бўлса, нимаси ёмон?

Бошқаларни билмадиму, лекин мен ҳар куни 8 соатлик иш кунимни тоқатсизлик билан ўтказаман. «Хонани уриб кетади» деган ўй-хаёл ҳеч тинчлик бермайди. Ахир бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради-да! Шундай бўлгач иш унуми ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Билмадим, тўғрими, йўқми, ҳар ҳолда ётоқхона коменданти Сергели район ички ишлар бўлимига бир неча маротаба бориб, ётоқхонага кириб олиб яшаётганларни ҳайдаб чиқаришларини илтимос қилди. Улар келишмади.

Корхона раҳбарларига «меҳмонлар» ҳақида шахсан ўзим бир неча маротаба айтганман. Яна ўша «эски тос, эски ҳаммом». Билмадим, бу иш билан ким шуғулланади? Ахир, тоқатларимиз тоқ бўлди-ку!

У. ЭГАМОВ,

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ходими.

ЯНА АЧИГАН СУТМИ?

Метросозлар навбатдаги тушликка чиқиб, кўчма дам олиш хонаси олдида тахлаб қўйилган сут солинган яшикларни кўриб қувониб кетишди. Зах, нам завода ишлагандан кейин сут, қатиқ ичиш қандай роҳат. Бироқ улар беҳуда хурсанд бўлишганди.

— Суюнмай кўя қолинглар, яна ачиган сут келтиришибди, — деди Равиль Резенов афтини буриштириб, сутдан тотиб кўраркан.

— Тушлик қилишга тузукроқ жойнинг ўзи йўқ, дам олишнику айтмаса бўлади. Жуда бўлмаса сут, билан таъминлашни ўрнига қўйишса бўларди, — деди кимдир.

— Шу ерда иш бошлаганимизга тўрт йилдан ошди, — деди лахмчилар звеноси бошлиғи В. И. Шильников. — Илгари сут-қатиқ тўғри заводдан, музҳонали машинада келтиришарди, ачимасди. Ҳозир эса қайсидир магазинга келтирилади, кейин кун иссиқда бизга олиб келишади.

Одатда метро қурилишида ишлаётган лахмчилар ҳар куни ярим литрдан сут билан таъминланиб турилиши керак. Рисоладагидек ҳар куни сут, келтириляпти, бироқ ачиб, сифати бузилгани учун ҳеч ким ичмаяпти. Тошкент метро қурилиш ва шаҳар озиқ-овқат савдоси бошқармаси раҳбарларини «Чорсу» ва «Тинчлик» станциялари оралиғидаги 17-шахтада ишлаётган метросозлар ачиган сут ичишга таклиф этадилар!

С. ШАМСИЕВ,

ҳизматчи.

Эслатамиз! Эслатамиз!! Эслатамиз!!!

Тунов куни маош олдим. Бу галги ойликдан албатта сарф-харажат қилишим кераклиги ёдимда. Дастрўмолчамнинг тугиб қўйилган учи ҳам шундан далолат беряпти. Аммо нима эди? Паришонхотирлик қурсин. Ноилож рафиқамга мурожаат қилдим.

— Албатта эсимда-да, дадаси. Менга янги либос ваъда қилгандингиз. Ҳорижда тикилганидан.

— Топмадинг. Бу харидга ҳали шошилмайсан. Газета ўқимайсан-да... «Тошкент оқшоми» давлатимиз чет элдан моллар харид қилиш учун 10 миллиард сўм пул ажратганини ёздику! Шу сара моллар келсин.

— Чиқимга тоқатингиз йўқ-да. Бўлмаса рўзғордаги камомадлар ўрнини тўлдириб қўйинг. Картошка-пиёз, шакар, совун дегандек.

— Яхши. Қани «Оқшом»ни варақлаб кўрайлик-чи. Хўш, мана пештахталарини бўш тахта қилиб ўтирган савдо ходимлари, бозорда деҳқонга шароит яратишни ўйламаётганлар боплаб танқид қилинибди. Ажабмас шу кор қилиб дўконларда мева-чева кўпайиб қолган бўлса. Айтмадимми, мана, пойтахтга турли областлардан сабзавот-мева карвонлари келаётганини ёзишибди. Совунни ҳам шакардек талон билан олар эканмиз.

— Қўйинг-е, яхшиси маҳалла гузарига чиқиб, бир ошхўрлик қилиб кела қолинг.

— Мана бу ўғил бола гап. Лекин чойхонада чақчақлашишдан илгари «Маҳалладош»ни яхшилаб кўздан кечириш зарур. Кейин «Оқшом»нинг шанба саҳифасини ҳам ўқиб тугалламагандим. Тағин янгиликлардан бехабар қолиб улфатларим олдида уялиб ўтирмай.



Ишга виждонан ёндошишнинг гашти ўзгача бўлади. Касбига бўлган меҳр-муҳаббати ва чексиз садоқати эвазига чарҳловчи-токарь, коммунист Тоҳир Шокиров ўзи меҳнат қилаётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ильич номидаги тажриба-механика заводида ўрнатилган замонавий дастгоҳларни пухта ўзлаштириб олди. Юқори унумли бу техника тажрибали ишчининг самарали меҳнат қилишига ёрдам бермоқда. Сифатли маҳсулот тайёрлашида муҳим омил бўлаяпти.

СУРАТДА: Тоҳир Шокиров.

Р. Шарипов сурати.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 31 июлдаги мажлисида иттифоқдош республикалар Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг бўлиб ўтган кенгашига якун ясалди. Кенгаш партия ички турмушини фаоллаштириш, КПССнинг қайта қуришнинг боришига таъсирини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. М. С. Горбачев докладида ижтимоий сиёсий вазиятга, мамлакатда амалга оширилаётган революцион ўзгартишларга берилган баҳо, ҳозирги даврда КПССнинг роли тўғрисидаги ғоялар ва хулосалар принципиал характерга эга бўлиб, партиянинг совет жамияти сиёсий авангарди сифатида обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган. Кенгаш қатнашчилари партия ишини такомиллаштириш, бўлажак ҳисобот сайлов кампаниясини ўтказиш, КПССда демократик асосларни ривожлантиришга доир бир қанча таклифларни айтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси кенгашда айтилган, КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель пленуми якунлари юзасидан ишлаб чиқилган ҳаракат программасига мос келадиган таклифлар ва мулоҳазаларни амалга ошириш тадбирларини маъқуллади.

Мажлисда мамлакатнинг бир қанча регионларидаги, аввало кўмир саноати корхоналаридаги меҳнат коллективларида вужудга келган социал-иқтисодий вазият тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кўмир қазиб чиқарувчи районларда кўп йиллар давомида жиддий социал-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолганлиги таъкидланди. Меҳнат коллективлари, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари бу муаммоларнинг ҳал қилинишини корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигидан кенг фойдаланиш, меҳнатга ҳақ тўлашга ва социал соҳани ривожлантиришга маблағни коллектив ишлаб топиши принципини амалга ошириш билан боғламоқдалар.

Шу билан бирга, сўнгги вақтдаги воқеалар кўрсатганидек, ишчилар ўртага қўйган кўпгина талаблар жойларнинг ўзида, жумладан, иш ташламасдан, меҳнат коллективларининг ўзлари маъмурият ва касаба союзлари билан биргаликда амалга оширишлари мумкин эди. СССР Министрлар Совети ҳукумат комиссияси ва ишчи коллективлари вакилларининг биргаликда қабул қилган қарорларини бажариш чора-тадбирларини кўраётганлиги уқтирилди.

Сиёсий бюро 1989 йилда партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларни ўтказиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Устави ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси тавсияларига мувофиқ ҳисобот ва сайловлар партия группаларида, партия аъзолари 15 тадан кам бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида ўтказилади. Сайлаб қўйиладиган раҳбар партия органларининг, жумладан иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари бюроларининг ҳисоботларини партия комитетларининг пленумларида ва бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бўлажак ҳисобот ва сайловлар партиянинг фаолиятини ислоҳ қилиш жараёнида, партия ташкилотлари ва комитетларининг иши форма ва методларини янгилашда, шу асосда иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда муҳим роль ўйнаши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳисобот ва сайловларни партия йиғилишларида партиясизларнинг иштироки билан, кенг ижтимоий ошкоралик, ўртоқларча мунозара вазиятида ўтказиш вазифаси қўйилди. Қайта қуриш, партия ички турмушини демократиялаш вазифаларини амалга ошириш ишини батафсил, партиявий принципиаллик билан таҳлил этиш муҳимдир. Йиғилишлар, пленумлар чоғида сайлаб қўйиладиган органлар составини янгилаш ва агар коммунистлар зарур деб ҳисобласалар, кадрлар масалаларини ҳал қилиш лозим бўлади. Бу масалаҳ юзасидан қабул қилинган қарор матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг ВСИП раиси Р. Ньерш ва ВСИП Бош секретари К. Грос билан суҳбати якунлари кўриб чиқилди. Учрашув КПСС билан ВСИПнинг ўртоқларча ҳамжиҳатлигини, уларнинг барча соҳаларда Совет—Венгрия ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга содиқлигини, иқтисодий алоқалар муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга тайёрлигини намойиш қилганлиги уқтириб ўтилди. Марказий ва маҳаллий органлар даражасида КПСС ва ВСИП партиялараро алоқаларини такомиллаштириш, иккала мамлакат жамоатчилиги алоқаларини кенгайтириш ва бошқа масалалар юзасидан эришилган ахдномалар руҳида топшириқлар берилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг амалий ташриф билан СССРга келган Мўғулистон Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Батмунх билан суҳбати якунларини маъқуллади. Социалистик янгиланиш муаммоларига совет ва мўғул ёндашувларининг умумийлиги, Осиё — Тинч океан регионида ва бутун дунёда халқаро ривожланишнинг боришига қарашларининг бирлиги мамнуният билан таъкидланди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Ҳиндистон Республикаси Бош министри Р. Ганди билан учрашуви, шунингдек Э. А. Шеварднадзенинг Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао билан СССРга Ҳиндистон раҳбарининг дўстона амалий ташрифи доирасида бўлиб ўтган суҳбати якунлари кўриб чиқилди. Фикрлашув халқаро турмушнинг асосий муаммолари юзасидан иккала мамлакат позицияларининг ўхшашлиги ёки яқинлигини тасдиқлаганидан мамнунлик билдирилди. Иккала мамлакатнинг Деҳли декларацияси негизида изчиллик билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш халқаро иқлимни, шу жумладан Осиё-Тинч океан регионида халқаро иқлимни соғломлаштиришга, хусусан регионал можароларни ҳал қилишга ижобий таъсир қилмоқда. Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятни нормаллаштиришга иккала мамлакат қарашларининг умумийлиги таъкидланди, Афғонистоннинг ички ишларига чет мамлакатларнинг аралашуви давом этаётганлиги қораланди.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Камбоджа муаммосини сиёсий йўл билан узил-кесил ҳал қилиш иши ривож топишига бутун чоралар билан кўмаклашмоқдалар. Ҳиндистон билан ҳар томонлама дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш йўли Совет ташқи сиёсатининг устун йўналишларидан бири бўлиб қолаётганлиги тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Е. К. Лигачевнинг КПСС делегациясининг Я. Кадарни дафн этишда иштирок этиш учун Венгрия Халқ Республикасига қилган сафари ҳамда унинг Венгрия раҳбарлари билан суҳбатлари якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади ва маъқуллади. Венгриянинг атоқли партия ва давлат арбоби билан видолашув унга чуқур ҳурматнинг ифодаси, ВХРдаги социализм ғояларини қўллаб-қувватлаш намойишига айланди.

А. В. Власовнинг Никарагуада сандиночилар революциясининг 10 йиллигига бағишланган тадбирларда Совет делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Делегациянинг Никарагуа президенти Д. Ортега билан музокаралари натижалари маъқулланди, делегация Никарагуа президенти Д. Ортегага М. С. Горбачевнинг шахсий мактубини топширди.

Сандиночилар миллий-демократик революциясининг мухолифликдан мулоқотга, янада демократиялашга ҳамда миллий яраш йўлига ўтиш мамлакатнинг ўткир социал-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излаш билан тавсифланувчи янги, тинч босқичига иккала томоннинг қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро Ю. Д. Маслюковнинг Германия Демократик Республикасига амалий ташрифи натижаларини маъқуллади, бу ташриф давомида икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ҳамда келгуси беш йилликда СССР ва ГДР давлат планларини мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро Ю. Д. Маслюковнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи тўғрисидаги ахборотини эшитди. Ўтказилган музокаралар натижасида икки томонлама ҳамкорликнинг самарали воситаларини пухталаштириш юзасидан аниқравшан тадбирлар белгиланди.

МУРОЖААТНОМА

Биз, байналмилал-жангчиларнинг оналари кўп миллатли республикамизнинг барча аёлларига мурожаат қиламиз. Миллий низоларнинг кучайишига йўл қўймай, асрлар бўйи қарор топган инсонпарварлик, одамохунлик, меҳмондўстлик, донолик, катталарга ҳурмат ва эҳтиром каби халқимизга хос бўлган анъаналарни сақлаб қолайлик.

Фарғона воқеалари оналар қалбини ларзага солди. Инсон қони тўкилди, минглаб кишилар бошпанасиз қолди. Айниқса, болаларнинг кўзларига қаранг — бу кўзлар қанчалик қайғули ва аламли, улар азоб ва уқубатлардан сақлаб қололмаган катталарга таъна билан назар ташлайди.

Кекса авлод Улуғ Ватан урушининг даҳшатли фожиаларини унутганича йўқ. Афғон юртидан қайтган жангчи ўғлонларимизнинг қонли яралари ҳам ҳали битмаган, жанг майдонларидан омон қайтмаган солдат оналарининг кўз ёшлари ҳам тинганича йўқ.

Шундай экан, тинч шароитда ўз ўғлонидан ажралишига йўл қўйиб, чидаб туриш мумкинми?

Меҳри дарё онаг, опа-сингиллар ва дугоналар!

Ўзимизнинг қалб сўзимиз, ақлу идрокимиз билан ёшларни ножўя ҳатти-ҳаракатлардан сақлаб қолайлик. Ахир, бундай бебошликлар туфайли улар ўз умрларини бевақт ҳазон қилишлари мумкин-ку!

М. С. Горбачевнинг совет халқга қилган мурожаати ўз вақтида қуйидагича жаранглади: «Ҳозирги авлод ва бўлажак насллар шу йўлга бошлаган кимсаларни ҳам, ўз вақтида огоҳлантириб, тентакликдан қайтармаганларни ҳам лаънатлайдилар».

Аёл истаса ечилмайдиган жумбоқ, қасд қилса қуламайдиган тоғ йўқ. Бағри кенг бувижонлар, меҳридарё онажонлар, суюкли келинлар ва дилбар қизлар, дугоналар, сингилжонлар! Юртимиз осойишталиги, номимиз поклиги, қувончимиз мукаммаллиги йўлида бугун ҳар бирингиз ўз қўлингиздан келадиган ҳиссингизни қўшасиз деб умид қиламиз. Миллатлараро муаммоларни тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик асосида ҳал этайлик! Қон-қариндошлик ва ўзаро ҳурматнинг қадрига етайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига мурожаатномаси биз муштипар оналарнинг ҳам қалбидан чуқур жой олди. Даъватномадаги «Дўстлик ва қардошлик тақдири бугун ўз қўлимизда. Арғамчига қил қувват дейдилар. Дўстлигимиз ипи узилмасин, қаердаки унинг битта-яримта чоки сўкилган бўлса, унинг ўринини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик. Буни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақти келди» деган сатрлар миллионлаб серқуёш диёримиз кишиларининг қалб нидосидир. Миллий муносабатлар кескин тус олган шу масъулиятли, синов дамларида биз барчангизни ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратингизни сафарбар этишга, фидокорона меҳнатингиз билан кўп миллатли иттифоқимиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга даъват этамиз. Ота-боболаримиз удумига амал қилайлик. Юракни гина-қудурат ва адоват юқидан халос этайлик, фақат яхшилик уруғи унсин. Энг бебаҳо бойлик — дўстлигимизни асрайлик!

УШБУ МУРОЖААТНОМА БАЙНАЛМИЛАЛ-ЖАНГЧИЛАР ОНАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА УЧРАШУВИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Тонгги газеталарда

⊙ Москвада СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун газеталарда сессиянинг навбатдаги иш куни ҳақида ҳисобот берилган.

⊙ М. С. Горбачев 2 август куни касаба союзлари Умумпольша битимининг раиси А. Медовични қабул қилди. Газеталарда ана шу ҳақда расмий хабар босилган.

⊙ «Халқ депутатлари Советларининг навбатдан ташқари сессияларини ўтказиш тўғрисида», «Коллектив меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида» СССР Олий Советининг қарорлари эълон қилинган.

⊙ Республика газеталарида 1 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш ҳақидаги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримовнинг республика касаба союзларининг раҳбарлари билан учрашуви ҳақидаги, 3 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Агросаноат комплекси масалалари комиссиясининг мажлиси ҳақидаги ҳисоботлар ўрин олган.

Депутатларнинг учрашувлари

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида банд бўлган халқ депутатларининг бўш вақти кўп эмас. Шунга қарамай, улар меҳнаткашлар билан учрашиш имконини топишяпти.

Тошкентдаги 2-автокомбинат ҳайдовчиси — СССР халқ депутати Йўлдош Акбаров Лихачёв номли автозавод ишчилари билан учрашди. Бу ерда ҳам ўзбекистонликлар оз эмас — республиканинг турли областларидан келган беш юз нафардан зиёд йигитлар улкан автомобиль корхонасида ишчи касбини эгаллаб малака оширмоқдалар. Улар депутатга ўзларининг турмуши ва иши тўғрисида сўзлаб бердилар, ётоқхоналарни кўрсатдилар, баъзи илтимосларни айтдилар.

Сўнгра мажлислар залида автомобилсозлар билан суҳбат икки соатдан кўпроқ давом этди, бу ерда халқ депутати Олий Совет биринчи сессиясининг бориши тўғрисида сўзлаб берди, кўпдан-кўп саволларга жавоблар қайтарди.

(ЎзТАГ).

Жазоирдаги халқаро болалар лагерида

Жазоир пойтахти яқинидаги Колеа районида жойлашган болаларнинг халқаро лагери куни кеча меҳмонларни ўзбек миллий музикаси садолари билан кутиб олди. Бу ерда Совет Иттифоқи куни ўтказилди.

Ўрта денгиз соҳили яқинидаги кўркам масканда жойлашган бу лагерда жаҳондаги деярли 20 мамлакатдан келган болалар дам олмоқдалар. Колеада жазоирликлар, болгарлар, поляклар, чехлар, кубаликлар ва бошқа давлатларнинг ёш вакиллари билан бирга Совет Узбекистонидан келган бир гуруҳ болалар ҳам дам олмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси Тошкентдаги пионер ва ўқувчилар саройи фольклор ансамблининг қатнашчиларидир. Улар СССР кунида ўз мамлакатларининг вакиллари сифатида қатнашдилар. Байрам программасида рақс ва қўшиқларгина эмас, ўзбек миллий таомлари тортиладиган ташанали зиёфат ҳам бор эди. Клуб фойесида СССР ва Совет Ўзбекистони, совет болаларининг ташвишлари ва қувончлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма ташкил этилди.

Концертлар, спорт мусобақалари, викториналар, баҳслар ва бошқа қизиқарли ишлар билан болалар кўп вақт банд бўладилар. Шунга қарамай энг муҳими — бошқа мамлакатлар ва қитъалардаги тенгдошлари билан бевосита мулоқот қилишдир. Болалар катталарга нисбатан тезроқ тил топишадилар. Колеа намунаси бу фактни яна бир бор исботламоқда, бу ерда дастлабки кунданоқ турли тиллар мулоқотга ғов бўлмай қолди. Болалар тез танишишади, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кулги янграйди, жазоирликлар, поляклар, кубаликлар, ўзбеклар бир-бирларини таржимонсиз ҳам яхши тушунадилар. Вақти келиб, болалар уй-уйларига қайтадилар. Лекин улар лагерни, янги дўстларини унутмайдилар.

Меҳнатдан обрў топганлар

Қўлларингиз толмасин, Дилбархон!

Ҳар бир меҳнат коллективининг донгдор кишилари, ўз касбига садоқатли фидокорлари бўлади. Тошкент шаҳар юк автотранспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-автокомбинатда ҳам ана шундай кишилар кўплаб топилади. Бу ерда ишлаб чиқариш илғорлари, топширилган ишга чуқур масъулият ҳисси билан ёндошаётган ҳайдовчилар, ёшларга оғир, лекин шарафли касбининг сир-асрорларини эринмай ўргатиб, муносиб ўринбосарлар тайёрлаётган кишилар ҳақида гап кетганда биринчи галда ҳайдовчи Дилбар Ғофурованинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта.

У билан биринчи марта бундан бир неча йил илгари республика Автомобиль транспорти министрлиги системасида меҳнат қилаётган аёл-ҳайдовчиларнинг слётида учрашган эдик. Фурсат топиб, унинг ҳаёти, амалга ошираётган ишлари билан яқинроқ танишиш нияти туғилди. Чунки корхона раҳбарлари Дилбар Абдуллаевна коллективда сидқидилдан меҳнат қилиб, кўпчиликнинг оғзига тушган укалари Шокиржон, Баҳодиржон, Қобилжон ва кўплаб ёшларга мураббийлик қилганлигини ва шу касбга зўр меҳр уйғотаётганлигини ғурур билан тилга олишган эди.

Шундай қилиб, у билан учрашиш орзуси билан яна автокомбинат томон боряпмиз.

Эрта тонг. Қуёш заррин нурларини атрофга сочаяпти. Аммо автокорхона дарвозасидан чиқиб, объектлар томон бирин-кетин йўл олаётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Биз Дилбар Абдуллаевнани диспетчерлар хонасида йўл варақасини расмийлаштираётган пайтда учратдик, салом-алиқдан сўнг мақсадга кўчдик.

— Кечирасиз, ҳозир иш куним бошланиб қолади, — деди у кулиб. — Агар хоҳласангиз, суҳбатимизни бевосита автомашинамда давом эттирсак.

У бир зумда ўзига ишониб топширилган УАЗ-451 маркали автомашинасини дарвоза ёнига ҳайдаб келди. Мана, автомашина пойтахтимизнинг асфальт ётқизилган, равон ва серқатнов йўлидан қушдек елиб бормоқда. Биз Дилбархоннинг машина рулини моҳирлик билан бошқараётганини зимдан кузатар эканмиз, унга ҳавас билан боқиб, суҳбатга тортдик.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ техникага жуда қизиқар, ҳайдовчи бўлишни орзу қилардим,— дейди у. —Фаровон замонамизда ҳар бир инсон нимани орзу қилса, ўшанга етяпти. Бир умрга танлаган касбимни жон-дилдан севаман, ҳаётимни автомашинасиз тасаввур эта олмайман...

Ҳа, Дилбархон ҳақ гапни айтди. У асли тошкентлик. Шу ерда туғилиб-ўсди, вояга етди. 1958 йилда ўрта мактабни тамомлади, ўша йилиёқ турмушга чиқди. Аммо сергайрат, табиатан бир сўзли, олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга одатланган қиз рўзғор ташвишлари билан ўралашиб, уйда ўтириб қоладиганлардан эмасди. Ҳайдовчилик касбини эгаллаш орзуси унинг қалбидан чуқур ўрин олганди. Турмуш ўртоғи Яшнар Эргашевнинг ҳайдовчи эканлиги бу қизиқишнинг янада ортишида, ягона орзунинг рўёбга чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, 1966 йилда ёш Дилбархоннинг қалб орзуси рўёбга чиқди — у махсус курсни муваффақиятли тамомлади. 3-класс ҳайдовчиси гувоҳномасини қўлига олиб, «Главташкентстрой»га қарашли 1-автобазага ишга келди. Дастлаб унга «УАЗ-451» маркали автомашина ишониб топширилди. Ўша пайтларда қурувчилар, уларга зарур материалларни етказиб берувчи ҳайдовчилар иш вақтининг ҳар бир дақиқаси қатъий ҳисобда эди, чунки рўй берган қаттиқ зилзила оқибатларини тезроқ бартараф этишга озми-кўпми ҳисса қўшиш ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчи, шон-шараф ишига айланган эди.

Ёш ҳайдовчи меҳнат фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб иш режимига қатъий амал қилиш ишониб топширилган техникани кўз қорачиғидек асраш, белгиланган планларни ўз муддатида адо этишга астойдил киришди. У қурилиш материаллари ташиш билан шуғуллана бошлади.

Биринчи кунларда анчагина қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин Дилбархоннинг интилувчанлиги, тажрибали ҳайдовчиларнинг ишини синчковлик билан кузатиб, сўраб ўрганган олим қабилида иш тутганлиги ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ойлар кетидан ойлар ўтди.

— Мазкур автокомбинатга ишга келганимга ҳам мана 20 йилдан ошди, — деб давом эттирди ҳайдовчи ўз ҳикоясини.

Ҳамсуҳбатимизнинг гапида жон бор. 20 йил айтишга осон. Шу давр мобайнида автокорхонага қанчаданқанча одамлар келиб кетди, лекин Дилбархон қандай маркали автомашинада ишламасин, меҳнат интизомига қатъий риоя қилган, топширилган вазифани ҳалол, сидқидилдан бажарган, ҳаракатдаги составнинг доимо ишга тахт туришини таъминлаган ҳолда ҳамкасбларига ҳар томонлама ўрнак кўрсатишга астойдил ҳаракат қилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур автокомбинат юқорида номи тилга олинган ишлаб чиқариш бирлашмасининг йирик бўлинмаларидан биридир. Шу йилнинг 1 июлига келиб паркдаги автомашиналар сони 1868 тага етди. Ҳозир эса 1870 нафарга яқин ҳайдовчи меҳнат қилмоқда. Улар зиммасига азим пойтахтимиз аҳолиси ва унинг сон-саноқсиз меҳмонларига савдо хизмати кўрсатаётган озиқ-овқат магазинларига, кўплаб савдо дўконларига зарур маҳсулотларни етказиб бериш вазифаси юкланган.

Дилбархон коллективга келиб қўшилган кундан тортиб ана шу талабларга тўла амал қилишга одатланди. У кўпчиликка намуна кўрсатиб келмоқда. Дилбар Ғофурованинг қарийб 20 йилдан бери битта мижоз —Тошкент шаҳар, Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идорасига хизмат кўрсатиб келаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Унинг ишига ҳеч қачон эътироз бўлган эмас.

Ана шундай ҳалол меҳнат, бурчга бўлган садоқат, ўз касбига бўлган чуқур ихлос унга обрў-эътибор келтирди. 1975 йилда автокорхона маъмурияти Дилбар Ғофуровани ҳайдовчилар бригадасига бошлиқ этиб тайинлади. Илгари фақат ўзи учун жавобгар бўлган ҳайдовчи эндиликда 15 кишидан иборат бутун бир коллектив ишини ташкил этиши лозим эди.

Узоқ йиллик меҳнат фаолияти даврида Д. Ғофурова кўплаб ёшларга севган касбининг сир-асрорларини эринмай ўргатди, бу борада билимини ҳам, вақтини ҳам аямади.

Ҳар ишда ўрнак Д. Ғофурованинг ҳалол меҳнати, жамоат ишларидаги фаол иштироки, коллектив ва шахсий ҳаётдаги намунаси муносиб тақдирланмоқда. Кўплаб Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар, чет элларга саёҳат қилиш учун бепул путёвкалар олган.

— Ҳақиқатан ҳам исми-жисмига монанд корхонамиз дилбари ҳисобланган Дилбархон кўпчилик учун ҳар томонлама ўрнак, — дейди автокомбинат директори Жўра Сатторович Ҳожибеков биз билан суҳбатда. — Фақат ишлаб чиқаришда эмас, оилавий ҳаётда ҳам ундан ўрнак олса арзийди. Икки ўғилни тарбиялаб воягa етказди. Эндиликда бир-биридан ширин набиралари Даврон, Диёр ва Дилшоджонлар унинг ҳаётдаги катта қувончидир. Бир сўз билан айтганда, у ҳаммага меҳрибон, дилбар аёл.

Директор ҳақ гапни айтди. Биз ҳам бундан кейинги ишларида унга ютуқлар тилаб қоламиз. Қўлларингиз асло толмасин, Дилбархон!

Л. МАТКАРИМОВА,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмининг катта инженери.

Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам кенг шуҳрат қозонган. Ана шу илғор корхона 200 хилдан зиёд миллий буюмларни ишлаб чиқаради.

Суратда: бирлашма чеварлари (чапдан-ўнгга) Марҳабо Мансурова, Матлуба Исаева ва Насиба Миркаримова мана шундай чиройли палакларни тўқиётилар.

Р. Шагаев ва А. Горокрик суратн (ЎзТАГ).

Техника тараққиёти йўлидан

Иссиқлик тежалади

Буғ иссиқ сувга айланиши учун конденсатор орқали ўтиши керак. Бу ерда у ўз ҳароратининг бир қисмини ҳозирча совуқ бўлган бошқа сувга беради. Шундан кейин қарийб 90 даража атрофида исиган бу сув қозонга тушади.

Шу тариқа қозонларни иситиш учун ишлатиладиган ёқилғи самарадорлигини анча ошириш, демакки, анчагина маблағни тежаб қолиш мумкин бўлади. Кимёвий газлардан халқ хўжалигида фойдаланиш Бутуниттифоқ илмий текшириш институтининг Ўрта Осиё филиалида ихтиро қилинган регенератив иссиқлик алмаштиргичдан фойдаланса, ана шундай натижага эришиш мумкин.

Ғишт қолиплашдаги янгилик

Агар ғишт қуйишда қайноқ қолипдан фойдаланилса, ғиштни пиширишга кетадиган энергия сарфи камайиб, қурилмадан фойдаланиш муддати узаяди.

Тошкент политехника институтининг олимлари ғишт тайёрлашда ана шундай қолипдан фойдаланишни таклиф қилдилар. Тўғридан-тўғри пресс корпусининг ўзига атиги 36 вольт кучланиш билан ишлайдиган электр иситгич маҳкамланади. Ток билан қиздириладиган махсус қобиқ қатламм яна антиадгезив хусусиятга ҳам эга — соддароқ қилиб айтганда, унга лой ёпишиб қолмайди. Дарвоқе, бу хусусият ғишт сифатини анча яхшилаш имконини беради.

Аниқ ва тез текширилади

Тошкентдаги «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган қурилма пахта толасидаги намлик миқдорини тез ва аниқ белгилаб беради.

Ихтирочилар текшириш учун олинган пахта толасини қуритувчи инфрақизил (иссиқлик) нурларини ушлаб қолиш ва формасига бир неча бор «қайтариш»га муваффақ бўлдилар. Бунинг натижасида пахта анча тезроқ қуритилади. Текширилаётган пахтанинг вазни тўғрисидаги маълумотлар махсус электрон қурилмалар орқали ўтганидан кейин экранда кўринади. Вазн камайиб бориши билан намлик даражасини текшириш тугалланганлигини билдиради ва қурилма ишлашдан тўхтайди. Шу заҳотиёқ экранда таҳлил якунлари: тарозидаги пахта қуритилишидан олдинги ва кейинги вазн ўртасидаги фарқ кўрсатилган пайдо бўлади.

(ЎзТАГ).

Шаҳар халқ контроли комитетида

Янги усул йўлидаги ғовлар

«Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасининг «Пардозлаш» трести раҳбарлари бўлинмаларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шарт-шароитларига ўтказиш ҳақидаги КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қарорини бажариш юзасидан муайян ишларни олиб бормоқда. 1988 йилнинг иккинчи ярмида трестдаги 12 бўлинмадан бештаси, 1989 йилнинг ўтган даври мобайнида яна икки бўлинма янгича иш шароитига ўтказилди. Беш бўлинма — 31, 45, 48-қурилиш бошқармалари, ишлаб чиқаришни техника билан комплектлаш бошқармаси ва трест аппарати ҳамон эскича усулда меҳнат қилмоқда.

Трест шу йилнинг биринчи ярмида қолган барча бўлинмаларни ҳам коллектив пудратига ўтказишни мўлжаллаган эди. Шу мақсадда трестда доимий комиссия ташкил этилган. Мазкур комиссия ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шарт-шароитларига ўтишга қай даражада тайёр эканлигини аниқлаб боради. Бўлинмаларнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга доир тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга шаҳар халқ контроли комитети трестда ўтказган текшириш бу борадаги жиддий камчиликларни ҳам очиб ташлади. Трест ўтган, 1988 йил қурилиш-монтаж ишлари планини атиги 75,6 фоизга бажарган, холос. Ўн бўлинмадан биргина 24-қурилиш бошқармаси белгиланган топшириқларни адо этган. 24 ва 76-қурилиш бошқармаларигина қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтиришга муваффақ бўлишган. Қолган саккиз бўлинма билан қурилиш материаллари комбинати эса 3327 минг сўмлик зарар кўрилишига йўл қўйган.

Трестда 709 нафар асосий ишлаб чиқариш ходимлари етишмайди. Меҳнат интизоми қониқарсиз, шу йилнинг январь-май ойларидагина сабабсиз иш вақтининг йўқолиши 4564 киши-кунини ташкил этди. Объектларда меҳнатни ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган, аксарият ишлар қўл кучи билан бажарилади. Қурилиш ишлаб чиқариши технологиясига амал қилинмайди, яъни пардозлаш ишлари қаён сайқал бериш учун тайёр бўлмаган объектларда ҳам олиб борилаверади. Бу эса қўшимча сарф-харажатларга олиб келади. Трестда қурилиш материалларининг, пул маблағларининг сарфи етарли даражада назорат қилинмайди.

31-қурилиш бошқармасида (собиқ бошлиғи С. С. Варламов, бош инженери И. А. Бобоёров) аҳвол айниқса қониқарсиз. Бошқарма 1988 йил планини 86,9 фоизга, шу йилнинг сўнгги ойларда қурилиш-монтаж ишлари планини 74,4 фоизга бажарган, холос. Айни вақтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари таннархининг 266 минг сўмга қимматлашиб кетишига йўл қўйилган. Шу йилнинг биринчи кварталида 81,5 минг сўмлик ортиқча иш ҳақи тўланган. Келтирилаётган қурилиш материаллари яхши назорат қилинмайди. Иш сифатининг пастлиги учун бошқарма бир неча марта жарима тўлаган.

Трестнинг 28-бошқармаси (бошлиғи К. С. Каримов) қурилиш-монтаж ишлари 1988 йил планини 83,7 фоизга, шу йилнинг январь-апрель ойлари планини 74,2 фоизга бажарган, қурилиш ишларининг 20 минг сўмга қимматлашиб кетишига йўл қўйилган. «Марказ — 17/18» микрорайонида бунёд этилаётган, бир кунда 600 беморни қабул қиладиган поликлиника қурилишида 6,2 минг сўм қўшиб ёзилган.

29 ва 48-қурилиш бошқармаларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Масалан, 48-бошқарма (бошлиғи Р. Намаев) қурилиш-монтаж ишлари 1988 йил планини атиги 37,5 фоизга, шу йилнинг сўнгги ойларда планини 85,9 фоизга бажарган, холос. Фақат шу йилнинг биринчи кварталида пардозлаш ишлари таннархининг 68 минг сўмга қимматлашиб кетишига йўл қўйилган.

Ўз навбатида «Ташгорстрой» территориал-қурилиш бирлашмаси трест фаолиятини етарли даражада назорат қилиб бормайди, ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, талабчанликни ошираётгани йўқ.

Трест хўжалик юритишнинг янгича усули — хўжалик ҳисобига ўта даражада сусткашлик билан ўтаётганлигининг асосий сабаби трест ва унинг бўлинмалари ана шу тадбирга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўрмаганлиги, коллектив пудрати номигагина жорий этилганлигидир. Айни вақтда трест на молиявий, на ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган эмас, ўзини иқтисодий оқламаётган бўлинмалардан халос бўлмаган. Трестнинг иқтисодий хизмати бўлимлари самарали натижаларга ҳали эришгани йўқ.

Шаҳар халқ контроли комитети «Пардозлаш» трести раҳбарияти қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилмаганлиги, таннархнинг ошиб кетгани ва иш ҳақи фонди ортиқча сарфланган учун 31-қурилиш бошқармасининг бошлиғи С. С. Варламовни вазифасидан озод қилганлигини, бошқарма бош инженери И. А. Бобоёровга ҳайфсан эълон қилганлигини, камчиликларга йўл қўйган бошқа раҳбарларни ҳам жазолаганлигини инобатга олди. Йўл қўйилган нуқсонларни тузатиш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди.

В. АБРАМСОН,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети штатсиз қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари.



Тошкент булка-кондитер комбинатининг 1-макарон ишлаб чиқариш корхонасида Валентина Ражабова ва Содир Толиповлар ўз вазифаларига масъулият ҳисси билан ёндошмоқдалар. Жойлаш-қадоқлаш цехида уларни илғор ишчилар сифатида ҳурмат қилишади. Шу кунларда маҳсулот сифатига эътиборни кучайтиришяпти.

М. Нуриддинов сурати.

Талабалар ҳиммати

«Қардошлар ишимиздан мамнун»

Студент-ёшларнинг жанговар отрядлари шаҳримизнинг кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат семестрларини бошлаб юборганига анча бўлди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бу жараён қандай кетаётгани билан қизиқиб, институт комсомол комитетида бўлдик.

— Институтимизнинг 8 та факультетидан тузилган студент отрядлари анъанавий меҳнат семестрига чиққанларига бир ой бўлди, — дейди комсомол комитети секретарининг ўринбосари Ҳ. Иноғомова. — Улар Тошкент тўқимачилик комбинати, 2-пойабзал фабрикаси, «Таштекстильмаш» ва «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларида тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Корхона маъмуриятининг талабаларга нисбатан муносабатларида ёки аксинча талабаларнинг топширилган ишга нисбатан ёндошувида талай ўзгаришлар сезилмоқда. Хусусан, илгари корхона раҳбарлари талабаларимизга бегона кўз билан қараши оқибатида у ерда суғуриш-сидириш ишлари билан шуғулланишган бўлса, энди ишни тўғри тақсимлаб, меҳнат шароитларини яратишда ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу яна талабаларимизга ўз соҳалари бўйича назарий билимларини бойитиш имконини бермоқда. Отрядлар орасида 1-пойабзал фабрикасига ёрдам бериб келаётган Геннадий Фокеевнинг енгил саноат факультети отряди пешқадамликни қўлдан бермай келаётир...

Ҳуррият сўзини тугатмай, телефон жиринглаб қолди. Новосибирск отрядининг командири Элла Курамшина иш жараёни ҳусусида ахборот берарди.

— Сибирлик қурувчилар ишимиздан мамнун. Ҳар беш кунда иш натижаларини якунлаб боряпмиз. Биз қуриб битказаётган бино сифат талабига ҳам жавоб беряпти. Институтимизда билим олаётган чет эллик талабаларимиз ҳам меҳнатда фидойи эканликларини кўрсатишмоқда. Айниқса никарагуалик тенгдошимиз Эди Бландон бошчилик қилаётган 13 кишилик бригада, 7 кишидан иборат Роман Бахтиев бригадаси отрядлар орасида ибрат бўлмоқда. Озиқ-овқат масаласи, талабаларга яратилган шароитлар қандайлиги билан қизиқдик.

— Ҳозирча ҳаммаси яхши, — дея сўзида давом этди командир. — Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши. Умуман, талабалар руҳи баланд, кайфияти яхши.

Ҳа, яхши шароитдан ва таъминотдан меҳнатда юксак самара бўлиши ҳам турган гап. Жойларда талабаларни кутиб олишга қараб ўз навбатида ёшларнинг ғайратига-ғайрат қўшилиши ҳам табиий. Маълум бўлишича, мазкур институтнинг юзлаб талабалари ватанимизнинг турли шаҳарларига жўнаб кетишибди. Новосибирскда иккита совет—чет эл отряди, Иваново, Олтой ва Ставрополь ўлкаларидаги 2 тадан қурилиш отрядлари шулар жумласидандир. Шунингдек, ана шундай отрядлар Сирдарё ва Сурхондарё областларида ҳам дала шийпонларини ремонт қилишда ҳамда пахта тозалаш заводларида яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Комсомол комитетининг хонасига кириб келган йигит тўқимачилик комбинати отрядларидан бирининг командири Сафар Бозоров экан. Ундан янгиликлар ҳақида сўраймиз:

— Мана, қўлимда кечаги меҳнат якуни ҳусусидаги ахборот. Албатта, сон жиҳатдан ҳар кунн ҳар хил ўзгариш бўлади. Аммо талабаларимизнинг бу корхона ишга қатнашишлари тобора сусайиб бораётганини тан олиш керак. Кеча 92 тадан 68 нафари иштирок этишди. Сабабини сўрарсиз, оддий: корхона одатдагидек талабаларни кутиб олишга тайёр эмас. Кутиб олиш деганда мен нимани назарда тутяпман! Аввало иш билан тўла таъминлаш. Масалан, ҳозир бизнинг матога гул босувчиларимиз пардозлаш фабрикасида ишлаш ўрнига 1-йигирув-тўқув ишлаб чиқаришда тозаловчи вазифасини ўташяпти. Механика-технология, тўқувчилик ва енгил саноат сингари факультетларнинг йирик тўртта группаси тўқимачилик комбинатида ишлашади...

Институт ўзи ишлайдиган корхоналар билан ўзаро шартнома тузиб чиққан. Ана шунга мувофиқ талабалар ойлик маош билан ҳам таъминланишлари зарур. Кўп йиллардан буён комбинат маъмурияти бу шартномага амал қилмайди. Яъни талабаларга ойига 30—40 сўм бериш билан чекланадилар. Аммо бу йил ўзгариш бўлади, деб ваъда беришган, ҳозирча шунга умид қиляпмиз. Талабаларимизнинг ишга муносабатига келсак, ўзларига топширилган вазифани тўла адо этишга эришяптилар. Айниқса Дилбар Бердиева, Феруза Хўжаева, Эргаш Ниматов ва Ўктам Бозоров баракали меҳнат қилишмоқда.

Ф. ҲУСАНОВА.

Шарҳчи сатрлари

Камбоджа: тинчлик сари интилиш

Камбоджа муаммосини бартараф этиш учун бир ярим йилдан буён музокаралар олиб борилмоқда. Аммо ушбу мулоқот, ҳойнаҳой, ҳозир жуда машаққатли паллани бошидан кечираётган. бўлса керак. 30 июль куни Камбоджа муаммоси хусусида халқаро конференция очилади, ана шу анжуман, яъни умидбахш воқеа арафасида ана шундай машаққатли кунлар бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Куни-кеча Париж яқинидаги шаҳарчада Камбоджадаги тўрт томон раҳбарлари — Камбоджа ҳукуматининг бошлиғи Хун Сен ва оппозициядаги уч гуруҳ раҳбарлари: шаҳзода Нородом Сианук, Сон Санна ва Кхиеу Самфаннинг давра суҳбати ҳеч қандай натижа бермади.

Чўрт кесиб баҳо берадиган Нородом Сианук давра столи суҳбатидан ва бир кун илгари Хун Сен билан бўлган учрашувдан кейин журналистларга қуйидагиларни айтди: «келишмовчилик ҳар қачонгидан кўра ҳам жиддий тус олди. Ҳамма масалалар хусусида ихтилофлар борлиги аниқланди. Энди мен жуда умидсиз қайфиятдаман». Франция газеталари ҳам давра суҳбати барбод бўлди, деб ҳисобламоқдалар. Учрашув қатнашчилари муҳокама қилинган барча беш масала, жумладан Вьетнам қўшинларини Камбоджадан олиб чиқиб кетиш устидан назорат, ўт очишни тўхтатиш тартиби, муаммони бартараф этиш жараёнида полпотчиларнинг «Қизил хмерлар» гуруҳларининг роли ва ўрни муаммолари хусусида бир фикрга кела олмадилар.

Бўлажак конференцияда Камбоджанинг вакиллиги масаласи хусусидаги келишмовчилик катта хавф уйғотмоқда. Хун Сен Камбоджа ҳукумати ва оппозициядаги уюшмадан вакиллик қиладиган икки делегация тузишни таклиф этмоқда. Пномпеннинг мустақил делегация сифатида иштирок этишига йўл қўйишни хоҳламаётган Сианук эса музокаралар столида «Камбоджа» деган якка ёзув бўлишига эришишга уринмоқда. Бир қарашда иш тартибига оид масаладек кўринган ушбу масала хусусидаги кураш бўлажак конференцияга путур етказиши мумкин. Ҳозирча битимга эришиб бўлмади ва томонлар Франция ички ишлар министрлигининг воситачилигида маслаҳатлашувларни давом эттиришга қарор қилдилар.

Париждаги очилажак конференцияда ўткир кураш бўлса керак, аммо можарони вужудга келтиришда асосий роль ўйнаган кхмер кучлари муросага келадилар ҳамда бўлажак анжуманнинг самарали ишлаши учун негиз яратадилар, деб умид қилиб туришибди. Жафокаш Камбоджа заминига тинчлик зарур ва конференция қатнашчиларининг кучғайратлари халқаро ҳамжамиятнинг келишиб олинган ва самарали тинчликпарварлик ҳаракатлари намунаси бўлиши керак.

Павел БОГДАНОВ.
(ТАСС).

Польшанинг шимолий қисмида кўҳна Бидгошч шаҳри бор. 1346 йилда барпо этилган ана шу шаҳар ҳозирга қадар ўзининг асл қиёфасини сақлаб қолган.

СУРАТДА: эски Бидгошчда.

В. Лисицин сурати (ТАСС).

Мамлакат мустақилликка эришгунча Намибия халқига олис ва машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва кўпгина давлатларнинг мамлакатга 1990 йилга қадар ўтиш даврини белгиланганликларига қарамай гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда қийинчиликлар чиқиб турибди.

СУРАТДА: автомат ушлаган солдатларни бугунги кунда Намибияда ҳар қадамда учратиш мумкин.

Прессфото—ТАСС сурати.

Оила одоби

Қайнота

ФАРЗАНД АТО ҚУЛЛИҒИН ЧУ ОДАТ ҚИЛҒАИ,
УЛ ОДАТ ИЛА КАСБИ САОДАТ ҚИЛҒАИ.
Алишер НАВОИЙ.

Ота билан она ҳар бир оиланинг бахти, фахри, суянган тоғи-ю, ишонган боғи ҳисобланишади. Одатда, биз кўпинча оналар, қайнаналар ҳақида кўп мулоҳаза юритамизу, оталар, қайнаталар тўғрисида умумий фикр айтиб қўя қоламиз. Шу мақсадда мен оталаримизнинг оилада тутган ўрнилари тўғрисида мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Маълумки, ҳар бир хонадонни эркаксиз тасаввур қилиш қийин. Ота — сарбон, она — боғбон, деган ҳикматда ҳам катта маъно бор. Оталар — оиланинг сарбони — яъни бошлаб борувчи, етакчи тарбиячиси, қолаверса, файзи ва пойдеворидир. Ота хонадонни нурга тўлдириб турувчи офтобга ўхшайди. Улар уй-рўзғорни, катта-кичиклнинг севинч-ташвишини, ҳамманинг осойишталигини ўйлайдиган инсон!

Ақл-заковатли ота иш-юмушдан ташқари гап-сўзи, муомаласи, хулқ-одоби, ибрати билан фарзандларига ўрнак бўлади, қолаверса, маҳалла-кўйда, яқин-йироқда, дўсту қариндошлар ўртасида ҳурмат-иззат топади. Оиладаги ҳамма фарзандлар отага эргашади. Айниқса, ўғил болалар учун ота муомаласи, хулқ-атвори, юриш-туриши, ҳатто кийинниши намуна бўлади. Ҳаётий кузатишларимизда шу нарса маълумки, йигитлар оилани бошқаришда ўзини қандай тутишни, аёлларга бўлган муносабатларни, меҳр-шафқатни, уй-рўзғорни бутлаб қўйишни биринчи бўлиб ўз оталаридан ўрганишади, яхши фарзандлар ҳар бир ишда ота билан маслаҳатлашишади.

Халқимиз урф-одатига кўра, агар қизни куёвга чиқармоқчи бўлишса, аввало унинг отасини суриштиришади, чунки ўғил отасига ўхшайди. Келин қилмоқчи бўлинса қизнинг онасини суриштиришади, чунки қиз бола она тарбиясини, онанинг хулқ-атворини, уй тутишларини ва бошқа оилавий муносабатларни ўзида ўзлаштирган бўлади.

Отаси яхши оилада болалар яхши тарбия топишади. Бундай йигит-қизлар меҳнатсевар, одобли, замонамизга ҳар томонлама етук кишилар бўлиб етишади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир хонадонда ота ёки қайнатанинг ўрни турлича бўлиши мумкин. Сир эмаски, ўғил уйлантиргандан кейин ёки қиз чиқаргандан кейин отанинг мажбурияти ошади, илгари фақат ўз фарзандлари тўғрисида ўйласа, энди келини ёки куёвини шу хонадоннинг севикли фарзандлари қаторида кўриши, уларга ғамхўрлик қилиши керак. Оталар кўпинча келинни ўз қизи қаторига киришини орзу қилади. Бунинг учун меҳр ҳам кўрсатади. Келиннинг «майда-чуйда» камчиликларига эътибор қилмайди. Ота «қайнана билан келин» ўртасидаги ўринсиз можароларни бостиришга ҳаракат қилади. Умрдошига: «Майда гап бўлма, келинни хафа қилма, ўз қизингдек кўр, билмаганини ётиғи билан ўргат», деб огоҳлантиради, оилада тинчлик-хотиржамликни, осойишталикни таъминлайди. Бундай оталар нафақат оилада, қариндош-уруғлар ўртасида, бутун маҳаллада обрў-эътибор топади.

Ҳозирги пайтда ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳоллари кўп учраб турибди. Бир тўй учун қанчалаб маблағ сарфланади-да, кўп ўтмай арзир-арзимас сабаб билан оила бузилади. Айниқса, ўртада гўдаклар бўлса, тирик етим бўлиб қолади, уларнинг кўз ёшлари юрак-бағримизни эзади. Оила сарбони — оталар бунга йўл қўймасликлари керак. Ана шу мақсадда биз шаҳардаги бир неча маҳаллаларда бўлиб, оилаларда кузатув олиб бордик. Пиру бадавлат ва аҳил-иноқ оилаларни кўриб қувондик. Шаҳримиздаги хонадонларда шундай оилаларни кўрдик.

«Чиғатой» маҳалласида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ветерани Қулаҳмад Обидов ўн икки фарзандининг отаси, беш келинлик, олти куёвлик. Беруний номли маҳалладан Карим Мусаев ўн фарзанднинг отаси, уч келинлик, беш куёви бор. Исмоил Мирҳожиев икки келинлик, бир куёвлик. Тоҳир Қосимов бир келинлик, уч куёвлик, Карим Маҳкамов бир келинлик, уч куёвлик, «Тинчлик» маҳалласидан бир куёвлик ва тўрт келинлик Сирожиддин Ҳамзаевлар оиласига ҳамма ҳавас қилади.

Меҳнат ветеранлари, ҳозирги кунда ишлаб ёки қарилик гаштини сураётган пенсионер қайнаталар ҳам кам эмас. Булар Темир Йўлдошев — уч келинлик,икки куёвлик, Фотиҳкамол Ғуломов — бир келинлик, беш куёвлик, Тўлаган Аюпов—бир келинлик, уч куёвлик, Солиҳ Султонов—икки келинлик, икки куёвлик, Қўчқор Холматов — тўрт келинлик, Турсунбой Шодмонов — тўрт келинлик. Бу рўйхатни ҳар қанча давом эттириш мумкин. Айниқса, тақдир тақозоси билан бевақт ўлим туфайли умр йўлдошидан ажралган Зокир ота Йўлдошев билан Карим ака Маҳкамовлар еттитадан фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни уйли-жойли қилиб яшаётганларига таҳсин ўқиймиз.

Мана шу оилаларда оталарнинг яхши фазилатлари ўрнак-намуна бўлаяпти. Хоҳ келин, хоҳ куёв оилада бирдек фарзанд ҳисобланади. Уй-рўзғор тутиш, пулни харжлаш, кийим-кечак олиш, меҳмонга бориш, меҳмон кутиш, тўй-маърака ўтказиш, оиладаги катта-кичик тақдири-ю, тарбияси, хуллас ҳаммаси бу хонадонларда ота изми билан, кўпчилик маслаҳатлашиб амалга оширилади, ана шунда оилада «гиди-биди» гаплар, норозилик, ихтилофлар ва кўнгилсиз воқеалар келиб чиқмайди.

Очиқ гап, ҳаётда яхши қайнаталар билан бирга, оилани тўғри бошқара олмаётган оталарни ҳам учратиб турамиз. Бундай оилаларда ҳамиша жанжал, осойишталик йўқ, ёки аксинча, фарзандларини ҳаддан ташқари эркатой қилиб ўстиришлари натижасида оила ажралишиб кетади. Шундай бир оила тўғрисида гапирмоқчимиз. Беш фарзандни вояга етказган, уларни олий маълумотли қилиб, одобли, меҳнатда чиниқтирган олий маълумотли ота ва она бош қизларини орзу-ҳавас билан турмушга бердилар. Улар қизларини олий маълумотли куёвга узатганларидан беҳад хурсанд эдилар. Лекин уларнинг севинчлари узоққа бормади. Қизи ўзларига бутунлай қарама-қарши, эскилик сарқитларига ботган оилага келин бўлганини сезишди. Куёвнинг отаси ҳам олий маълумотли, олий ўқув юртларидан бирида ишлаган, ҳозир пенсияда экан. Қайнана ҳам пенсияда. Уларнинг ёлғиз қизи ва ёлғиз ўғли бор. Ана шу ёлғиз қизни жуда эркалатишар, келин келиши билан ҳамма уй юмушларидан уни озод қилишган. Келин барча уй юмушларини ортиғи билан бажарган ва бажариб келмоқда. Ҳозир икки фарзанди бор, оила аъзоларини, айниқса қайната-қайнананинг ҳурматини жойига қўяди. Ҳавас қилса арзийдиган келин. Буни қўшниларидан эшитдик. Қизнинг отаси ва онаси ҳам эл қатори бу оиланинг ҳурматини жойига қўйиб келмоқда.

Афсус-надомат билан айтамизки, бу оилада келинга бўлган муносабат ҳаддан ташқари чидаб бўлмаслик даражада. Келин олий ўқув юртларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди, меҳнат қилиб топган пулини, ҳатто бола учун 35 сўмдан ойига олган нафақани ҳам қайната бир тийинигача қолдирмай олиб қўяди, йиғган пулни қизи учун сеп олиш мақсадида омонат кассага қўяр экан. «Уйга келиб чой ичарсиз» деб овқат пули ҳам бермас экан. Келининнинг ишга бориши, ишдан чиқиб уйга келиши ҳам доим назоратда бўларкан. Болаларни боғчадан олиш, овқат пишириш, уйни тозалаш, кир ювиш, эрталаб чой тайёрлаш, бирор одам касал бўлиб қолса қараш, бозорўчар қилиш, хуллас ҳаммаси шу бечора келиннинг зиммасида экан. Яна бунинг устига қайнана уни ҳар гапда жеркиб, силтаб туради. Қайната эса ўғлини ёнига ўтқазиб «Хотинингга қаттиқ тур, ҳар қадамини ўйлаб боссин», деб ўргатади. Келинга аччиқ-қурум гаплар айтиб, дилини оғритади.

Мана шундай аччиқ-чучук турмуш тарзида яшаётган келин: «Майли, ҳаммаси ўтиб кетар, болаларим етим бўлмасин» деб муросаю-мадора билан яшаб келяпти.

Оилада кўпни кўрган пенсионер ота шу келин ўрнига қизини қўйиб, эрта-индин куёвга узатадиган ўша қизининг тақдири қанақа бўлишини ўйлармикин?!

Хулоса қилиб айтганда, ёш оилаларга отахон-онахонлар, хонадоннинг катта-кичик аъзолари, қайната-қайнаналар қанчалик меҳр кўрсатсалар, ўзлари ҳам шунчалик иззат-икром топадилар. Айниқса, оила султони — отахонлар оила мустаҳкамлигига алоҳида ғамхўр бўлсалар ёшлар ҳаёти шунчалик осойишта, фаровон ва бахтиёр бўлади. Эзгу ниятли отахонлар ёшларнинг бахтли ва ували-жували ҳаётини таъминлайдилар.

Раъно РАҲИМБЕКОВА,
юридик фанлари номзоди, доцент.

Шарқ тафаккури хазинаси

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида 40 мингга яқин қадимги қўлёзмалар ва тош босма усулида чоп этилган асарлар авайлаб сақланади ва ўрганилади. Уларнинг орасида кўпгина ноёб асарлар ҳам бор. Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий каби шарқ мутафаккирларининг асарлари шулар жумласидандир. Институтда кўпгина дурдоналардан илмий мақсадларда фойдаланиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: стажер тадқиқотчи Жамила Йўлдошева Алишер Навоийнинг шеърлар тўпламини ўрганмоқда.

Р. Шагаев ва А. Горокрик суратлари. (ТАСС).

Жонажон Ватан бўйлаб

⊙ ТОЛЬЯТТИ (Куйбишев области). Жигулида Англия лойиҳаси асосида, лекин маҳаллий аҳолининг истаклари ҳисобга олинниб, ҳам кичик оилаларга, ҳам катта оилаларга мўлжалланган якка уйлар қуриш бошланди. Бу ерда бир неча ой давомида бутун бир шаҳарча қад кўтаради. Бу шаҳарча коттеджлар ва мебеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонаси тузган «Автолада» фирмаси ва Британиянинг «Элкон» консорциуми барпо этади. Янги фабрика эса бу уйларга кўчиб кирувчиларга мебелларнинг турли гарнитурларини тавсия этади. Бундан ташқари Британия ороллари-дан келган ишчилар ва инженерлар Тольятти шаҳрида кўп қаватли меҳмонхона қурилишини ниҳоясига етказишни жадаллаштиришга ёрдам берадилар, меҳмонхонани энг юксак дидли кишилар талабларига мос келадиган қилиб жиҳозлайдилар.

⊙ БЛАГОВЕШЧЕНСК. Хитой Халқ Республикасидаги еттита лойиҳа институти ва олий ўқув юрти Амур область марказида ташкил этилган Хитой меъморчилиги кўргазмасига ўз чизмалари ва макетларини тақдим этди. Экспонатлар орасида бизнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар ҳам бор, бунинг устига буюртмачиларга лойиҳаларнинг энг яхшиларини танлаб олиш учун тўла ҳуқуқ берилади. Икки мамлакат архитекторлари ўртасидаги ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда: Совет ва Хитой меъморлари Амур дарёси соҳилида қуриш мўлжалланаётган халқаро дам олиш маркази лойиҳасини кўриб чиқадилар.

⊙ ЮРМАЛА (Латвия ССР). Юрмалада очилган маросим ва фольклор музикаси халқаро фестивали томошабинларга бир кечанинг ўзида латиш қишлоғидаги тўйни кўриш, денгиз қирғоғидаги матрослар қовоқхонасида ва ҳатто американликлар ковбойлар орасида бўлиш имкониятини берди. Фестиваль қатнашчилари орасида Латвия капеллалари, Литва, ГДР, Польшадан келган ансамбллар ва солистлар бор. Халқ куйларининг энг яхши ижрочиларини томошабинларнинг ўзлари аниқлайдилар. Уларнинг қарсакларига қараб тингловчиларга қандай қўшиқлар кўпроқ маъқул бўлганлигини бехато аниқлаш мумкин.

⊙ ЧЕРНИГОВ. «Черниговторф» бирлашмаси меҳнатчилари торф саноати Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти мутахассислари билан ҳамкорликда қурилиш ишлари чоғида пайҳон бўлган чимларни қайта тиклашнинг самарали усулини топдилар. Ботқоқли торф майдонларида чим қопламалар етиштирилади. Уни махсус машина билан кесиб олиб, ўрамларда тегишли жойга олиб борилади. Ер участкасига жойлаштирилган бу яшил гилам суғоришдан кейин ҳар қандай тупроқда ҳам яхши авж олади. Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш билан шуғулланаётган «Комбинат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу яшил қоплама билан жуда қизиқиб қолди.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

Ия, наҳотки?!.

«Темир қути»ларни афзал кўришди

Манави суратларга бир қаранг. Балки сиз яшаётган уй яқинида олингандир? Агар таниган бўлсангиз, айтингчи, шу гаражлар қурилмасидан олдин ўрнида нима бор эди? Эслолмадингизми? Ҳай майли, унда очиқчасига гаплаша қолайлик.

Бу суратлар Киров район Юнусобод массиви 16-кварталидаги 16-ва 18-уйлар яқинида олинган. Илгари туппатузук болалар майдончаси эди. Кимнингдир хаёлига гаражларни тайёр майдонга тиклаш келдию, шоввозлар ҳаш-паш дегунча кўтариб ташлашди. Яна тўққиз қаватли уйнинг шундай ёнгинасида жойлашган. Тўғри-да, ярим тунда чала уйғонган машина эгаси пастга тушиб ўтирмай айвондан қараб қўя қолади. Болалар майдони нима бўлади, дейсизми? Уни Киров район Совети ижроия комитети раҳбарларидан сўранг.

— Эсизгина, шу ер қандай чиройли дарахтзор бўлаётганди, — олдимизга келиб суҳбатга қўшилди Улуғ Ватан уруши инвалиди Эргаш ака Юсупов. — Гараж қуриш баҳонасида қанча мевали дарахт кесилиб кетди. Унинг устига анча пулга келган арғимчоқ, турли жиҳозлар йўқ бўлди. Ким биладн, қаёққа олиб кетишди? Ҳайронман, энди болалар қаерда ўйнашади? Бу ёғи ҳалқа йўл бўлса. Район ижроия комитетидаги мутасаддилар ўртоқларга бир неча марта бориб «жой кўп-ку, шуни бошқа ерга қуринглар» деб айтдим. «Хўп-хўп» дейишди-ю ўз билганларидан қолишмади. Мана аҳволи! Бир жойга бирон нарса тиклашдан олдин ҳар томонлама ўйлаш керак.

Отахон тўғри айтдилар. Лекин ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битириб қўйибди. Таваккалчининг бошқа билан нима иши бор, ўзиники битса бўлди-да. Лаббай, «болалар энди нима қилади?». Мен қаердан билай. Айтдим-ку, мутасаддилар раҳбарлардан сўранг, ўшалар жўяли бир гап айтсалар ажаб эмас. А, лаббай?

Р. МУҲАМЕДОВ.

* * *





«Темир қути»ларни суратга олувчи: Р. Шарипов.

Эслатамиз! Эслатамиз!! Эслатамиз!!!

— Намунча тилингиздан «Оқшом» тушмай қолди?

— Тўхта. Топдим! Эҳ, каллаварам! Ахир келгуси йил «Тошкент оқшоми»га обуна бўлишни ўйлаб қўйган эдимда!

— Жуда тўғри. Йўлакай алоқа бўлимига кириб обунани расмийлаштириб қўйинг. Бу йил обуна сентябрь ойи охиригача ўтказиладн, деб ўқигандим...

Ҳа, «Тошкент оқшоми»га 1990 йил учун обунани расмийлаштиришга 56 кун қолди. Обуна ҳужжатларингизда шошқалоқликлар оқибатида чалкашликлар бўлмасин, кейин алоқа бўлимларида ортиқча навбат кутмайман десангиз бу ишни охирги кунгача чўзманг.

Эслатиб ўтамиз! Эслатиб ўтамиз! Эслатиб ўтамиз!

«Тошкент оқшоми»нинг обуна индекси — 64690. Бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 92 тийин. 1990 йилда «Оқшом» 300 та сонининг ҳаммасини ўқимоқчи бўлсангиз, бир йилга обуна бўлишни тавсия этамиз.

●

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига Узбекистон ССРнинг ҳамма қишлоқ ва шаҳарларида чекланмаган миқдорда обуна бўлиш мумкин.

●

Ҳозир «Тошкент оқшоми»га обуна биргина пойтахтда «Союзпечать»нинг барча район агентликлари, ўнга яқин дўконлари, 150 та алоқа бўлими томонидан қабул қилинмоқда. Сизнинг хоҳишингиз билан обунани хонадонингиз ва квартирангизда почтальонлар ҳам расмийлаштиришлари мумкин.



Биринчи қўнғироқ яқин!

Мезон-ислоҳот талаблари

Сўнгги йилларда республикамиздаги кўпгина умумтаълим масканларининг ислоҳот талабларига жавоб бермаслиги турли йиғинларда ҳаққоний танқид қилинганди. Ҳатто пойтахтимиздаги кўпгина илм масканлари аллақачон давр талабидан орқада қолганди. Қаердаки шарт-шароит йўқ экан, юксак даражада таълим-тарбия бериш мумкин эмас. Бу ҳаммага аён.

Қайта қуриш бу соҳада ҳам талай ишларни амалга оширишга зарурлигини кўрсатди. Шу жумладан, шаҳримизда ҳам кейинги вақтларда бунга алоҳида аҳамият бериляпти. Қатор билим даргоҳлари бунёд этилиб фойдаланишга топшириляпти, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланяпти, ўқишлар бир сменада олиб боришга ўтказиляпти. Шундай бўлсада, ҳали олдинда ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар турибдики, кўз юмиб бўлмайди. Ўрни келганда уларни ҳам айтиб ўтмоқ жоиз.

Янги мактаб қурилди, аммо...

СОБИР Раҳимов районидаги 196-ўрта мактаб ўқувчиларига қурувчилар муносиб совға ҳозирлашди. Толиби илмлар янги ўқув йилини замонавий бинода бошлайдилар. Аввалгиси эса капитал ремонтдан чиқарилянти. У минг ўринли эди, ёнига қўшилгани 960 ўқувчига мўлжалланган.

— Янги бино ҳар томонлама талабга жавоб беради, — дейди мактаб директори Дилбар опа Валиева. — Йўлаклари кенг, ёруғ. Олти ёшлиларга мўлжалланган олий маълумотли ота ва она бош қизларини орзу-ҳавас билан турмушга бердилар. Улар қизларини олий маълумотли куёвга узатганларидан беҳад хурсанд эдилар. Лекин уларнинг севинчлари узоққа бормади. Қизи ўзларига бутунлай қарама-қарши, эскилик сарқитларига ботган оилага келин бўлганини сезишди. Куёвнинг отаси ҳам олий маълумотли, олий ўқув юртларидан бирида ишлаган, ҳозир пенсияда экан. Қайнана ҳам пенсияда. Уларнинг ёлғиз қизи ва ёлғиз ўғли бор. Ана шу ёлғиз қизни жуда эркалатишар, келин келиши билан ҳамма уй юмушларидан уни озод қилишган. Келин барча уй юмушларини ортиғи билан бажарган ва бажариб келмоқда. Ҳозир икки фарзанди бор, оила аъзоларини, айниқса қайната-қайнананинг ҳурматини жойига қўяди. Ҳавас қилса арзийдиган келин. Буни қўшниларидан эшитдик. Қизнинг отаси ва онаси ҳам эл қатори бу оиланинг ҳурматини жойига қўйиб келмоқда.

Афсус-надомат билан айтамизки, бу оилада келинга бўлган муносабат ҳаддан ташқари чидаб бўлмаслик даражада. Келин олий ўқув юртларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди, меҳнат қилиб топган пулини, ҳатто бола учун 35 сўмдан ойига олган нафақани ҳам қайната бир тийинигача қолдирмай олиб қўяди, йиғган пулни қизи учун сеп олиш мақсадида омонат кассага қўяр экан. «Уйга келиб чой ичарсиз» деб овқат пули ҳам бермас экан. Келининнинг ишга бориши, ишдан чиқиб уйга келиши ҳам доим назоратда бўларкан. Болаларни боғчадан олиш, овқат пишириш, уйни тозалаш, кир ювиш, эрталаб чой тайёрлаш, бирор одам касал бўлиб қолса қараш, бозорўчар қилиш, хуллас ҳаммаси шу бечора келиннинг зиммасида экан. Яна бунинг устига қайнана уни ҳар гапда жеркиб, силтаб туради. Қайната эса ўғлини ёнига ўтқазиб «Хотинингга қаттиқ тур, ҳар қадамини ўйлаб боссин», деб ўргатади. Келинга аччиқ-қурум гаплар айтиб, дилини оғритади.

Мана шундай аччиқ-чучук турмуш тарзида яшаётган келин: «Майли, ҳаммаси ўтиб кетар, болаларим етим бўлмасин» деб муросаю-мадора билан яшаб келяпти.

Оилада кўпни кўрган пенсионер ота шу келин ўрнига қизини қўйиб, эрта-индин куёвга узатадиган ўша қизининг тақдири қанақа бўлишини ўйлармикин?!

Хулоса қилиб айтганда, ёш оилаларга отахон-онахонлар, хонадоннинг катта-кичик аъзолари, қайната-қайнаналар қанчалик меҳр кўрсатсалар, ўзлари ҳам шунчалик иззат-икром топадилар. Айниқса, оила султони — отахонлар оила мустаҳкамлигига алоҳида ғамхўр бўлсалар ёшлар ҳаёти шунчалик осойишта, фаровон ва бахтиёр бўлади. Эзгу ниятли отахонлар ёшларнинг бахтли ва ували-жували ҳаётини таъминлайдилар.

Раъно РАҲИМБЕКОВА,
юридик фанлари номзоди, доцент.



натилганки, гўё унда болалар эмас, олий лига командалари ўйнайдигандек...

Таниқли сузувчилар бўладими?

УШБУ мактаб қаршисида 191-мактаб биноси қад кўтариб турибди. Ўртада эса баскетбол, волейбол, футбол майдонлари ва ҳовуз бор. Улардан иккала зиё маскани толиби илмлари фойдаланишади. Таътил кунлари ҳам бу ердан болалар аримайди. Кимлардир тиниқ сувда мазза қилиб чўмилишяпти, бошқалари тўп талашиш билан овора.

Сир эмас, шаҳримиз мактабларида бундай ҳовузлар бармоқ билан санарли. Борларининг ҳаммасини ҳам талабга жавоб беради, деб бўлмайди. Бориданиложи борича кенгроқ фойдаланиш керак. Бу ҳақда 196-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Маҳмуджон Зокиров куюниб шундай деб қолди:

— Қаранг, ажойиб ҳовузимиз бор. Иккала мактаб галма-галдан фойдаланиб келади. Фақат беш ой чўмилиш мумкин. Қолган пайтлари биласиз, совуқ тушиши туфайли сув қуйилмайди. Шунинг устини ёпиб душхоналар қурилса ёмонми? Мактаблар ўртасида сузиш бўйича район, шаҳар, область биринчиликларини ўтказиш мумкин бўларди. Муҳими болалар йил ўн икки ой сузиш билан шуғулланишарди. Ахир инсон саломатлигини мустаҳкамлашда сувнинг аҳамияти беқиёс-ку!

— Тўғри, — суҳбатга қўшилди 191-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Н. Кравецкий. — Сув кўп дардга даво. Қани энди қишин-ёзин бир маромда ишлатолсак. Мутасадди ташкилотлар ёрдам беришдан деган умиддамиз. Қолаверса ўқишдан кейин катталар ҳам келишлари мумкин. Харажатини ўзи қоплайди. Шунда сузиш бўйича ГТО нормативлари қоғозда эмас, амалда топширилярди. Қўшиб ёзишлар спортда ҳам бўлганини ҳозир кўплар билади.

Икки муаллим билан анча суҳбатлашдик. Дардлари кўп экан, ҳаммасини айтишди. Ҳақ гаплар. Шу жойни қишки сув ҳавзасига айлантириш лозим. Бир йилаб кўрайлик, сўнгги йилларда Ўзбекистондан сув спорти бўйича қанча таниқли сузувчи етишиб чиқди? Шулардан қанчаси ўзбеклар? Лариса Белакондан бошқа яна кимни биламиз? Афсус, бу саволларга аниқ жавоб бериш жуда қийин. Чунки улар бармоқ билан санарли, ўзбеклар орасида эса йўқ ҳисобида. Шуларни кўра-била туриб нега чоратадбирлар белгиламаймиз, эътиборимизни қаратмаймиз. Аҳвол шу кетишда давом этса, эртага нима бўлади, индингачи? Яхшиямки Кравецкий, Зокиров каби куюнчак мутахассислар бор. Уларнинг ташаббуси вақтида қўллаб-қувватланмаса, эртага улар ҳам «бор-э, менга нима!» деб қўл силташмайдими. Мамлакат, Европа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларни кўриб ҳавасим келади. Республикамиздан ҳам шунақанги сув спорти усталари чиқармикан дейман. Билмадим, бу қачон амалга ошаркин?

...Эгасига етгунчами?

ОЛИЙ ва умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш қизғин паллага кирди. Қатор билим даргоҳлари қуриляпти, борлари замон талабига мослаштириляпти. Партия ва ҳукуматимиз бу соҳага катта аҳамият беряпти. Бироқ «Мендан кетгунча...» қабилида ишлаш ҳанузгача учраб турибди. Масалан, 196-мактабни олайлик. Спорт залини жиҳозлашда лойиҳачилар бир «қовун туширган» бўлишса, бинокорлар ҳам юқоридаги нақлга амал қилишди. Залдаги пол тахталари айрим жойларда кўтарилиб қолган. Жиҳозлар болаларга мослаб ўрнатиляптими, йўқми, ҳеч кимнинг иши йўқ. Шуларни тўғрилайман, тузатаман деб эртага яна ўқитувчи қийналади. Қилмаса бўлмайди. Келганлар ундан сўрашади, бошқа одамдан эмас.

Иккинчидан, бўлажак мактаб лойиҳаси тегишли идоралар томонидан тайёрланаётганида сув ҳавзалари қуриш ҳам ҳисобга олинса. Бунинг учун пойтахтимизда барча имконият етарли. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида бунга керагича эътибор бериляпти. Натижа ҳам чакки бўлмаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълими соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш керак. Келажак авлодни ҳар томонлама етук тарбиялаш учун аввало моддий негизни яратиш зарур. Шундан кейингина мураббий иқтидори ҳақида гапириш мумкин. Биз шаҳардаги намунали мактаб мисолида фикр юритдик. Ваҳоланки, ундан ҳар томонлама анча орқада қоладиган зиё масканлари оз эмас. Тез орада қолганларини ҳам шу даражага олиб чиқиш, бир сменада ўқитишга ўтилиши шарт. Вақт кутиб турмайди. Жамиятимизнинг эртанги авлоди илк сабоқни мактабда олишади.

Буни унутмайлик.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТЛАРДА: 196-мактаб янги биносининг ички ва ташқи кўринишлари.

Ҳ. Мирзакаримов суратлари.

52 СССР ЧЕМПИОНАТИ

«Пахтакор»нинг рақиблари

«Факел» (Воронеж)

Мана, 1-давра баҳсларидан сўнг, ўтган икки ҳафталик танаффусдан кейин биринчи лига командалари ҳал қилувчи иккинчи давра ўйинларини бошлаб юбордилар. Ҳозир турнир жадвалида олтинчи ўринни эгаллаб турган ҳамшаҳаларимизнинг бугунги рақиблари Воронежнинг «Факел» коллективидир.

«Факел» 1953 йили тузилган бўлиб, ўша пайтда у оддийгина — Воронеж шаҳри командаси деб аталган. Кейинчалик унинг номи яна икки марта ўзгарди: 1959—76 йилларда «Труд» ва 1977 йилдан бошлаб «Факел» номи билан мамлакат биринчиликларида қатнашиб келмоқда.

Команда ўз фаолияти даврида иккинчи лига турнирларида ҳам чиниқди. Биринчи лига сабоғини ҳам олди. Команда учун энг муваффақиятли мавсумлар у олий лигада қатнашган 1961 ва 1985 йилдир. Бу даврда команда 66 та ўйин ўтказиб, 20 ғалаба, 17 дуранг ва 29 марта мағлубиятга учради. Тўплар нисбати: 63—83. Эсда қоларлиси шуки, «Факел» 1961 йилда Вильнюснинг «Спартак» командасини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. СССР Кубоги ўйинларида эса энг қувончли мавсум 1984 йил бўлиб, ўшандa команда ярим финалга чиқишга муваффақ бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, 1969 йили олий лигада Ростов армиячилари сафида ўйнаб, турнирда энг кўп тўп киритган ўйинчи В. Проскурин Воронеж футболидан етишиб чиққан.

«Факел» бу йил биринчи лигада ўзининг тўққизинчи мавсумини ўтказмоқда. Команда ҳозиргача жами 373 ўйинда қатнашиб, 163 ғалаба, 97 дуранг ва 113 марта мағлубият аламини тортди. Тўплар нисбати эса «Факел» фойдасига: 456—322.

«Пахтакор» ва «Факел» олий лигада учрашмаганлар. Биринчи лигада беш учрашув ўтказилган, устунлик ҳозирча воронежлик чарм тўп усталари томонида: 4 дуранг ва бир ғалаба. Тўплар нисбати ҳам меҳмонларимиз фойдасига: 4—3.

«Факел» шарафини турли йилларда В. Папаев, В. Проскурин, Г. Сошенко, В. Лосев, Н. Васильев, В. Мурашкинцев каби таниқли чарм тўп усталари ҳимоя қилишган.

Бу йилги мавсумда командага А. Ф. Полосин устозлик қилмоқда. Биринчи давра ўйинларидан сўнг фахрли 4-ўринни эгаллаб турган воронежлик футболчилар охирги, 6 ўйинда битта ҳам очко йўқотмадилар. Ўйлаймизки, «Пахтакор» ва «Факел» ўртасидаги учрашув ҳам муросасиз ва кескин ўтади.

Тўп учун кураш.

«Чарм тўп» атрофида

БРАЗИЛИЯ — ЧЕМПИОН

Яқинда Бразилия стадионларида Жанубий Америка чарм тўп усталари иштирокида 33-Жанубий Америка Кубоги ўйинларига якун ясалди. Қитъанинг энг кучли терма командалари — Бразилия, Уругвай, Аргентина ва Парагвай иштирокида ўтган финал ўйинларида 40 йиллик танаффусдан сўнг яна бразилиялик футболчилар зафар қучишди. Қизиғи шундаки, охирги марта бундан 39 йил муқаддам Уругвай билан бўлган ўйинда тўлган жаҳондаги энг йирик стадион — «Маракана» яна ишқибозлар билан тўлди. Бу сафар у 160 минг томошабинни сиғдирди. Ушбу ғалаба 1970 йилги жаҳон биринчилигидан сўнг Бразилия футболи эришган дастлабки яхши натижадир.

ЗАВАРОВ ЯНА «ЮВЕНТУС»ДА

Футбол мухлисларига маълумки, ўтган мавсумда А. Заваров «Ювентус» (Турин) командасида тўп суриб, айрим сабабларга кўра яхши ўйин кўрсата олмагани учун яна қадрдон «Динамо» (Киев) клубига келиши кутилган эди.

«Ювентус» яқинда ўз составини эълон қилди. Унда А. Заваров ҳам бор. Клуб президенти айтдики: «Заваровдек моҳир футболчи бирданига ўз маҳоратини йўқотиши мумкин эмас. Ўтган мамлакат биринчилигидан сўнг у яхши дам олди ва ўйлаймизки, Саша бу мавсумда ўзининг бутун имкониятларини ишга солиб, ишқибозларнинг ишончини оқлайди».

Коллектив яна бир чет эллик футболчини ўз сафларига қабул қилиши мумкин. Улар Заваровнинг собиқ командадоши А. Михайличенкони мўлжаллашмоқда. Италия матбуоти хабарларига кўра, бу ўйинчи ва тренер В. Лобановскийлардан розилик олинган. Энди «Динамо» спорт жамияти марказий Советининг ижозати керак.

УЮШМА ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ

Яқинда СССР футбол лигаларининг футбол уюшмаси Устави қабул қилинди. Уюшманинг президенти қилиб «Футбол — Хоккей» ҳафталигининг муҳаррири Виктор Понедельник сайланди. Футбол уюшмаси олий, 1 ва 2-лигаларда футбол биринчиликларини ўтказади. Бундан ташқари ФИФА ва УЕФАда унинг ўз вакиллари бўлади.

Ҳозир футбол ҳақида журнал чиқариш планлаштирилмоқда. Совет футболи ветеранларига ёрдам фонди ҳам тузилади.

В. ПИМУШИННИНГ 100-ТЎПИ

1-лига футболининг мавқеи, тутган ўрни йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. 1977 йили «Кузбасс» командасининг футболчиси В. Раздаев лигада биринчи бўлиб 100 та тўп киритган эди. Ўтган йили эса у 42 ёшида ўзининг 218-тўпини тўрга тушириб, 1-лига билан хайрлашди. Шундан бери яна 8 футболчи бу қийин маррани забт этди.

Шу йил 11 июлда «Факел» (Воронеж) командасининг 34 ёшли ҳужумчиси Виктор Пимушин «Спартак» (Оржоникидзе) билан бўлган ўйинда ўзининг 1-лигадаги 100-тўпини киритди. У «Пахтакор» дарвозабонларини 6 марта дога қолдирган.

Дилшод ИСРОИЛОВ тайёрлаган.

Яна қайтарилса чиқариб юбораман.

Р. Шарипов суратлари.

Футбол чорраҳаларида

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси биринчилиги учун цех ва бўлимлар ўртасида ўтаётган футбол мусобақасида 16 та команда иштирок этмоқда. Коллективлар икки группага бўлинган ҳолда куч синашмоқда.

Биринчи давра ўйинлари тугашига икки тур қолди. Ҳозирча 1-группада 6 ўйиндан 9 очко тўплаган 5-цех командаси, иккинчи группада эса 11 очко жамлаган 2-цех коллективи пешқадамлик қилмоқда. Командалар яна икки турдан сўнг танаффусга чиқишади.

Иккинчи давра ўйинлари октябрь ойининг бошида бошланади.

●

Пойтахтнинг «Автомобилист» командаси «Миллионлар кубоги» Бутииттифоқ мусобақасида қатнашмоқда. Вакилларимиз навбатдаги турни чорак финалда ўз майдонида ўтказдилар. Фрунзе шаҳрининг «Сельмашчи» командаси улар меҳмони бўлди. «Автомобилист» 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Икки учрашув натижасига кўра, кучли тўртликдан ўрин олувчи командалар маълум бўлади. Такрорий баҳс Фрунзе шаҳрида ўтказилади.

О. МАХМАЮСУПОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар — Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети

«ДИЕР» ОБЛАСТЬ ЕШЛАР МУАММОЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИНИНГ

«Аркан»

САТИРИК ВА ҲАЖВЧИЛАР ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ

артистлар, сатирик ёзувчилар, рассомлар, журналистлар билан ижодий кечалар ва учрашувлар ташкил этиш;

сатира ва юмор кечалари, бевосита иш жойларида мини-концертлар, турли темаларда слайд-карикатуралар программаларини ўтказиш;

корхоналарда касб байрамлари ва анъанавий саналарга бағишлаб дам олиш кечаларини тайёрлаш ва уларни ўтказиш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Аркан» составида — Москва ва Ленинград, Одесса ва Киев, Душанба ва Олмаота, Челябинск ва албатта, Тошкент сатириклари ва юмористлари, «Литературная газета», «Крокодил», «Собеседник» ва бошқа нашрларнинг муаллифлари, профессионал артистлар ва бардлар, карикатурачи-рассомлар иштирок этишади.

«Аркан» программасидан авторлар томонидан ўз ҳикоялари, пародиялари, миниатюраларини ўқиб бериш, слайд-карикатураларни намойиш этиш, иллюзионистларнинг чиқишлари ўрин олган.

«Аркан»нинг келгуси планларида мамлакат бўйлаб уюштириладиган гастролларда ҳамда Тошкент шаҳри ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида замонавий сатира юлдузларининг чиқишларини ташкил этиш, сатира ва юмор фестивалини ўтказиш кўзда тутилган.

«Аркан» ижодий уюшмаси қатнашчилари ўз программаларини ўзбек ва рус тилларида тайёрлашмоқда.

КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Аркан» корхоналар маҳсулотларини реклама қилишга тайёрлаш ва уни ижро этиш ҳамда бу ишни ўз концертларида, нашрларида, шунингдек кўргазмаларда амалга ошириш кафолатини олади.

Хатлар учун адрес: 700167, Тошкент шаҳри, Образцов кўчаси, 23-уй. «Аркан». Телефонограммалар 76-18-66 телефони орқали соат 10 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аҳоли ва корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ, ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

Июнь ойида «Ғарбий Сибирь — Урал — Повольже» газопроводида юз берган авария муносабати билан мамлакатимиз бўйича суюлтирилган газ таъминоти 80 фоизгача тушиб кетди. Ғарбий Сибирдан мамлакатимиз марказидаги химия корхоналари, автотранспорт ва энг муҳими, аҳоли учун зарур хом ашё етказиб берувчи газ қувури ишдан чиқди.

Бугунги кунга келиб газ таъминоти шу тариқа тақсим этилмоқдаки, саноат корхоналари йилнинг учинчи кварталида суюлтирилган газни 10 процент кам оладилар, аҳоли эса газ билан белгиланган нормага кўра тўла-тўкис таъминланади. Демак, аҳолининг газга бўлган эҳтиёжида сунъий камомад юз бермайди.

Бироқ, истеъмолчилардан газдан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланишни илтимос қилишни ўринли деб биламиз.

Халқ хўжалигининг газ билан тўла таъминланиши кўп жиҳатдан бизнинг тежамкорлигимизга боғлиқдир.

ГРАЖДАНЛАР!

Газни тежаб-терганг, зарур бўлмаган пайтларда газ асбобларини ёқманг.

Газ — бизнинг умуммиллий бойлигимиздир.

ЭСДА ТУТИНГ:

Газдан ишнинг кўзини билиб, тежаб-тергаб фойдаланиш шаҳримизни газ билан мунтазам таъминлашнинг бош гарови ва кафолатидир;

газ ёқилғисидан тежаб-тергаб фойдаланиш халқ хўжалиги корхоналарини газ ёқилғиси билан тўлароқ кондириш имкониятини беради, бу мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда муҳим шарт-шароитлар яратади.

«Ташгаз» бошқармаси.

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ СИСТЕМАСИ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ (ПКБ АСУ)

директор лавозимига конкурс асосида

САЙЛОВ ЎТКАЗАДИ

Конкурсда олий техника маълумотига эга бўлган, мазкур соҳа корхоналарида раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган мутахассислар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш ҳақидаги буюртмага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилиши шарт: ариза, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги диплом нусхаси, иш жойидан характеристика.

Конкурс муддати — 12 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700099, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй, кадрлар бўлими.

Справкалар учун телефонлар — 34-24-09, 34-21-68, 34-21-11.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси ташкилотлар ва корхоналардан чекланмаган миқдорда макулатураларни, металл симсиз эски шиналарни қабул қилади.

Макулатураларни Металлистлар кўчасидаги 2 «а» уйда жойлашган (металлобаза ёнида) ишлаб чиқариш участкаси қабул қилади.

Эски шиналарни Янгиобод массиви, Толариқ кўчасидаги (23-автобус, 31-маршрутли таксининг «3-мева-сабзавот» комбинати) бекати) қабул пунктлари қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон — 48-04-93.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Автомобиль йўллари ремонтини аниқ планлаштириш мақсадида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли Ободонлаштириш объектлари ҳолатини назорат қилиш бошқармаси

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИЛТИМОС ҚИЛАДИ:

1990 йилда иссиқлик трассалари, канализация, водопровод, барча турдаги ер ости кабеллари, суғориш тармоқлари ва трубали кўприк қурилмаларини ётқизиш, ремонт ва реконструкция қилиш, шунингдек асфальт қопламаларини, гулхоналарни кесиб амалга ошириладиган бошқа турдаги конструкция ишларининг аниқ вақти кўрсатилган ҳолда объектларнинг адресли рўйхатини

25 августгача тақдим этиш зарур.

Адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 6-подъезд, 3-қават. Телефон — 33-49-64.

Адресли рўйхатларни кўрсатилган муддатда топширмаган ташкилотларга 1990 йилда ишлар олиб бориш учун рухсатнома берилмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗГИПРОСВЯЗЬ» ТАРМОҚ КОРХОНАСИГА:

Кўп каналли электр алоқаси, автомат электр алоқаси ихтисоси бўйича етакчи инженерлар; радио алоқачи, радио эшиттириш, телевидение, кўп каналли электр алоқаси, автоматика ва телемеханика, ҳисоблаш машинаси, комплекслар, системалар ва шохобчалар ихтисослари бўйича инженерлар, линия кабель иншоотларидан фойдаланиш инженерлари; кабелчи-қалайловчилар.

3-ТОШКЕНТ УИСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ 2-ҚУРИЛИШ КОНВЕЙЕРЛАРИ БОШҚАРМАСИГА:

монтажчи-бетончилар, электр пайвандчилар, сувоқчилар.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

штамповкачилар, гальваниклар, металл қирқувчилар, электр пайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, қолипловчилар, кран машинистлари, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш бўйича инженерлар (машинасозлик корхоналарида иш тажрибасига эга бўлган).

«ТАШГОРСТРОЙ»НИНГ 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА:

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчи-сувоқчилар, монтажчилар, электр пайвандчилар.

«ТАШГОРСТРОЙ»НИНГ «ТАШСТРОЙПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА:

лойиҳа ишлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси, патент-лицензия, ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари бўйича етакчи мутахассислар, сув таъминоти ва канализация, иситиш ва вентиляция бўйича етакчи инженер-конструкторлар, етакчи архитекторлар, 1-категориядаги инженер-конструкторлар, архитекторлар, конструктор-механик метрологлар.

«ТОШКЕНТ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

малакали электриклар, сантехниклар, тикувчи-мотористка-лар.

«РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА» ЗАВОДИГА:

схемачи-монтажчилар, прессловчилар, монтажчилар ва йиғувчи-слесарлар (радиоэлектрон аппаратлар ва приборлар бўйича), фрезерчилар, асбобсоз-слесарлар, қуювчилар, цехларнинг бошлиқлари, металл бўйича слесарлар.

СПРАВКАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космонавтлар проспекти, 6-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.

ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Шота Руставели кўчаси, 87-уй.

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

Тарқатиш кунлари қабул пунктларида қуйидаги китобларга абонементлар реализация қилинади:

Ж. САНД. «КОНСУЭЛО» (2 том) — ҳар қабул пунктида 5 августда 50 тадан абонемент;

6 августда 100 тадан абонемент тарқатилади (11, 17, 38, 46, 58, 65, 80-қабул пунктлари бундан мустасно).

«ГОРОД» В ТАБАКЕРКЕ» (тўплам) — ҳар қабул пунктида

11 августда 100 тадан абонемент:

12 ва 13 августда 200 тадан абонемент тарқатилади.

Ж. САНД. «КОНСУЭЛО» (2-том).

11-магазин — Қорақамиш 2/4 массиви; 17-магазин — Чилонзор массиви, 24-квартал, 13-уй, 23-квартира; 38-магазин — Б. Хмельницкий кўчаси, 67, 8-корпус; 46-магазин — Юнусобод массиви, 12-квартал; 58-магазин — Октябрь массиви, 2-проезд, Садоқат кўчаси; 65-магазин — Саломатин кўчаси, 4-тупик; 80-магазин — Халқлар дўстлиги проспекти, 8-уй қабул пунктларида.

19 августда 50 тадан;

20 августда 100 тадан абонемент тарқатилади.

Ж. Санднинг «Консуэло» ва «Город в табакерке» (тўплам) китобларига абонементлар бир йўла 10 килограмм макулатура топширилгандан кейингина берилади.

Ж. Санднинг «Консуэло» китобига абонементлар 40 килограмм макулатура топширилганидан сўнг китоб олинишига кафолат беради.

«Город в табакерке» (тўплам) китобига абонементлар 20 килограмм макулатура топширилганидан сўнг китоб олинишига кафолат беради.

МАГАЗИН-ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ ИШ ТАРТИБИ:

Магазин-қабул пунктлари жума куни соат 12 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус соат 15 дан 16.00 гача; якшанба куни соат 10 дан 17.00 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14.00 гача; қолган кунларда соат 10 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14 гача.

Жума куни абонементлар соат 18.00 дан реализация қилинади.

Дам олиш куни — душанба.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354—Р фармойиши билан Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига абонементлар тарқатиш нормаси ҳар бир қабул пункти умумий реализация сонининг 20 фоизи миқдорида белгиланган.

Гражданлардан макулатура газеталар, китоб-журналлар, маиший картон ва ўраш қоғозлари алоҳида-алоҳида пачкаларга боғланган ҳолдагина, яшаш жойидан қатъий назар, жонли навбат билан қабул қилинади. Босмаханаларнинг макулатураларини (чиқиндиларни, бракларни, қоғоз қийқимларини ва ҳоказо), архив ва муассасалар макулатураларини (перфокарталарни, бланкаларни, ведомостларни, тўлдирилмаган ҳужжатларни, турли ёзишмаларни, скоросшивателлар ва папкаларни) қабул қилиш ман этилади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ 98-ШАҲАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

рус тили чуқур ўрганиладиган ва таълим ўзбек тилида олиб бориладиган 1-синфга Тошкент шаҳри ва унга тутташган районларда истиқомат қилувчи ўқувчиларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади, ўқувчилар 4 маҳал овқат, кийим-бош ва ўқув жиҳозлари билан таъминланадилар.

Таълим ва болаларни боқиш учун тўланадиган ҳақ оилаларнинг моддий аҳволига боғлиқ.

Справкалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 42-35-34, 42-50-61.

Адрес: Тошкент шаҳри, 20-алоқа бўлими, Октябрь райони, Кўкча дарвоза, Архангельская кўчаси. 27-уй.

(Комсомол» метро станциясидан қатновчи 27, 62-автобуслар; 8, 11-трамвайларнинг «Кўкча-дарвоза» бекати).

Кино

4 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР ҚИЗ» (катта зал, 18.30, 20.30, кичик зал, 17, 19.30).

Нукус — «УОЛЛ СТРИТ» (18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУЗАЛЛАР» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «УЙНА, УЙНА» (18.30, 20, 21.00).

Лисунов номли — «БУРИЛАР» ТУРИСТИК БАЗАСИ» (тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Хива (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЭРКАК ВА АЕЛ 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (18.30, 21.00).

Москва — «ҚАЛЛОБЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

5 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР ҚИЗ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30).

Нукус — «УОЛЛ СТРИТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «СЎНГГИ РОМАНС» (11, 13.30 16, 18.20, 20.30).

К. Ерматов номли — «УЙНА, УЙНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20, 21.00).

Лисунов номли — «САЕҲАТЧИЛАР ВАҚТИЧОҒЛИК ҚИЛИШМОҚДА» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЭРКАК ВА АЕЛ 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «ҚАЛЛОБЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Чайка — «ЗАҲАР» (11, 14.20, 17.40, 21.00).

К. ЕРМАТОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

15—17 ёшли ўзбек йигитларини

«САЕҚ ИТЛАРНИ ТУТИШ»

фильмида бош роль ижрочиси конкурсида қатнашишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй.

Группа телефони — 77-93-40, 77-93-18.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 14 дан 17.00 гача қўнғироқ қилинсин.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

чет элларда ишлаб чиқарилган барча маркалардаги кўл соатларига мос тушувчи СЦ-60 озиқланиш элементларини

СОТАДИ

Баҳоси — 3 сўм 50 тийин.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-78-34.

Ленин район ОРК сига қарашли 3-магазинга тегишли йўқолган

ШТАМП **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги 67-ўрта мактаб томонидан **Бердиев Холмирза Тураевич** номига берилган Д 577605 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар 31-техника билим юрти томонидан **Агзамходжаев Хусниддинхўжа** номига берилган Б 947290 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар 31-техника билим юрти томонидан **Агзамходжаев Акмалхўжа** номига берилган Б 947150 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 111-ўрта мактаб томонидан **Муминова Гулбаҳор Бахтияровна** номига берилган 426382 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 24-ўрта ҳунартехника билим юрти томонидан **Ширинов Боходир Саъдуллаевич** номига берилган А 285160 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя», рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р—04260 Б. 2147. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10